



ALFRAGANUS UNIVERSITY

2•(2)•2023

XALQARO ILMIY JURNAL

FILOLOGIYA VA
ADABIYOT/
ФИЛОЛОГИЯ И
ЛИТЕРАТУРА

RAQAMLI
TEKNOLOGIYALAR/
ЦИФРОВЫЕ
ТЕХНОЛОГИИ

IJTIMOIIY
FANLAR/
СОЦИАЛЬНЫЕ
НАУКИ

IQTISODIYOT VA
TURIZM/
ЭКОНОМИКА И
ТУРИЗМ



МУНДАРИЖА



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР / ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

**Ўқтам Улуғбекович Каримов,
Муҳаббат Файзуллаева Каримова**
ЎХШАШ МАТНЛАР (ПЛАГИАТНИ)НИ АНИҚЛАШГА
МУЎЖАЛЛАНГАН ТИЗИМНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ТУЗИЛМАСИ 2

Зоҳид Келдиёрович Кушаров
МАРЖИНАЛ ТАҲЛИЛ АСОСИДА ЧОРВАЧИЛИК
МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИЁТИ 7

**Zavqiddin Husen o'g'li Temirov
Maftuna G'olib qizi Mannarova**
SHAXSLARNI TANIB OLIISHDA 3D O'LCHAMLI
TASVIRLARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI.. 14

Гулнора Норматовна Гойибназарова
ГЕОМЕТРИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
С ПОЗИЦИЙ ИДЕЙ ФУЗИОНИЗМА..... 18

**Шухрат Манапович Гулямов,
Насиба Жумабаевна Хожиева,
Нодирбек Иброҳимжон ўғли Набиев**
МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ
ТЕПЛОТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ОБОРУДОВАНИЯ ПРИ
УПРАВЛЕНИИ СЛОЖНЫМИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМИ
ОБЪЕКТАМИ 24



ИЖТИМОЙ ФАҲЛАР / СОЦИАЛЬНЫЕ НАУКИ

Masrur Nugmanovich Raximjonov
AL-FARG'ONIYNING FALAKIYOT
HAQIDAGI QARASHLARI.....28

Zarifa Ne'matovna Raxmonova
QADRIYATLAR VA EMOTSIONAL INTELLEKT O'ZARO
ALOQADORLIGINING IJTIMOY-PSIXOLOGIK JIHATLARI
(OTM talabalari misolida) 34



Достонжон Бекназар ўғли Тожиев
ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: ТУРКИЯ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК
АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ 40

Dostonbek Tilovmurodov
GENDER EQUALITY AND ISSUES IN TOUR OPERATING
ORGANIZATIONS: A CASE STUDY ON GENDER AS WORK
FROM SAMARKAND, UZBEKISTAN 46

Maryambibi Djumaniyazovna Abdullayeva
KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILARNI
SO'ZLASHISHGA DOIR IJTIMOY ME'YORLAR BILAN
TANISHTIRISH 52

**Муминжон Исохонович Хужаев,
Мавлуда Каримжановна Раҳимшиқова**
АХМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР
МЕРОСИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРИ 57

Мирзачаев Адҳамжон Асқаржанович
ЁШЛАР МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ
ЮКСАЛТИРИШДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИГИ 62



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТУРИЗМ / ЭКОНОМИКА И ТУРИЗМ


Абдуазим Муталов
ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГА НА
ИМУЩЕСТВО ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ 66

Doniyor Raximovich Tilloyev
O'ZBEKISTON VA XORIJIY MAMLAKATLARDA VOQELIK
SARGUZASH TURIZMINI TASHKIL ETISHNING O'ZIGA
XOSLIGI VA ZAMONAVIY BOSQICHI 73

**Ҳасан Пирназарович Абулқосимов
Сайёра Ҳамидуллаева Азизова**
ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 76



ALFRAGAN
UNIVERSITY



УДК: 001.02:681.142.37



ЎХШАШ МАТНЛАР (ПЛАГИАТНИ)НИ АНИҚЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТИЗИМНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИ

ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ СТРУКТУРА СИСТЕМЫ
ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЗАИМСТВОВАНИЯ ТЕКСТОВ (ПЛАГИАТА)

FUNCTIONAL STRUCTURE OF THE SYSTEM FOR
DETERMINING SIMILAR TEXTS (PLAGIARISM)

Ўктам Улуғбекович КАРИМОВ,¹
Мухаббат Файзуллавна КАРИМОВА²

Мақолада, илмий-таълимий ресурслар электрон кутубхонасини шакллантиришда жаҳон ахборот ресурсларининг аҳамияти, турли глобал рейтинг қайдномаларидаги ҳамда илмий-таълимий ресурсларнинг таълим тизимидаги аҳамияти кенг ёритилган.

Статья широко освещена значимость мировых информационных ресурсов в формировании электронной библиотеки научно-образовательных ресурсов, значимость научно-образовательных ресурсов в различных мировых рейтингах и системе образования.

The article highlights the importance of the global information resources in the formation of the electronic library of scientific and educational resources, the importance of various global rankings and the role of scientific and educational resources in the education system.

Калит сўзлар: электрон кутубхона, плагиат, жаҳон ахборот-ресурслари, рейтинг, библиометрия

Ключевые слова: электронная библиотека, плагиат, всемирные информационные ресурсы, рейтинг, библиометрия.

Key words: electronic library, plagiarism, world information resources, rating, bibliometrics.


¹ PhD, "GST" хорижий корхона техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи, Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: ukt.karimov@gmail.com. ORCID: 0000-0002-0370-2468

² АРМ директори, ALFRAGANUS UNIVERSITY, Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: muxabbato689@gmail.com. ORCID: 0009-0001-1867-5917

Республика олий таълим муассасаларининг (ОТМ) илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни, улар томонидан юқори, тегишли халқаро мезонлар ва стандартларга, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичларига эришишни, ўқитишнинг ҳамда иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб катта бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш, шунингдек таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида Қарор қабул қилган [1]. Мазкур Қарорда ОТМ фаолият даражасини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилган. 1. Ўқитиш сифати даражасининг индекси. 2. Талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси. 3. Олий ўқув юртининг илмий салоҳияти. 4. Бошқа кўрсаткичлар.

Бутун жаҳон университетларининг нуфузи Times Higher Education (THE), Quacquarelli Symonds (QS), Academy Ranking of world universities (ARWU) каби тан олинган рейтинг қайдномалари асосида аниқланади. Рейтинг қайдномаларидаги рейтингни аниқлашда ОТМнинг академик нуфузи, нашр этиш фаоллиги, битирувчиларнинг нуфузи, таълим олувчилар ва профессор-ўқитувчиларнинг мобиллик даражасини аниқловчи каби турли кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ўзига хос хусусиятга эга бўлган кўрсаткичлардан бири бу нашр этиш фаоллиги кўрсаткичидир. Нашр этиш фаоллиги кўрсаткичи юқори импакт факторлик журналлардаги ОТМга боғлиқ ресурслар сони, ушбу ресурслардан бошқа илмий тадқиқотларда фойдаланишлар сони (ОТМ тегишли ресурсларга келтирилган иқтибослар сони), юқори даражада иқтибос қилинадиган профессор-ўқитувчилар сони каби кўрсаткичлар билан аниқланади ва турли рейтингларда турлича аҳамиятга эга 1-жадвал. Иқтибос келтириш индексини аниқлашда маълумотлар базасида юқори импакт факторлик илмий журналлар ва жаҳон ахборот ресурсларини ўзида акс эттирган электрон кутубхоналардан фойдаланилади [3,5]. Web of Science, Elsevier, EBSCO каби электрон кутубхона тизимлари шулар жумласидандир. (Scopus by Elsevier компаниясини аналитик тизими бўлиб иқтибос келтириш индексини аниқловчи тизимдир. Ушбу электрон кутубхоналарнинг маълумотлар базасига мурожаат қилиб, ҳар бир муассаса ва муаллифнинг рейтингини аниқлайди 1-расм.)




1-расм. Юқори импакт факторли журналларда нашр этиш фаоллигини аниқлашнинг ахборот модели

1-расмда БМИ ва магистрик диссертациялари электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини шакллантириш ва ўхшаш матнларни аниқлашга мўлжалланган эксперт тизимининг ахборот модели келтирилган.

Нашр этиш фаоллиги кўрсаткичини сунъий равишда кўтариб бўлмаслиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Нашр этиш фаоллиги кўрсаткичини ошириш илмий салоҳиятга эга ходимларни жаҳон ахборот ресурслари билан таъминлаш муаммоси билан боғлиқдир. ОТМ етарлича илмий салоҳиятга эга бўлиши мумкин аммо илмий салоҳиятга эга ходимларнинг ахборот таъминоти муаммоси ечилмаганлиги салбий кўрсаткичларга олиб келиши мумкин. Жаҳон ахборот ресурсларни корпоратив тармоқ орқали илмий тадқиқодчиларга етказиб бериш ушбу муаммонинг ечими сифатида қабул қилиниши мумкин.

№	ОТМ рейтинг қайдномасининг номи	Нашр этиш фаоллиги кўрсаткичига бериладиган аҳамияти
1.	THE World University Rankings	32.5%
2.	Quacquarelli Symonds	20%
3.	Academy Ranking of world universities	20%
4.	Ranking web of universities	15%

Қуйида жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда, Ўзбекистонда ARMAT++ автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими асосида Электрон кутубхона тизими яратилган бўлиб, тизим Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва Тошкентдаги Турин политехника университети мутахассислари ҳамкорлигида такомиллаштирилган. Такомиллаштирилган ARMAT++ дастури АРМ мутахассислари учун адабиётларни қабул қилиш, тизимлаштириш, таснифлаш, фойдаланувчига адабиётларни бериш каби асосий кутубхона жараёнларини тезкор бажаришда, олинган адабиётни қайтариш муддатини масофадан узайтириш, электрон ресурсга буюртма бериш, кутубхоначига мурожаат каби интерактив хизматларни автоматлаштирилган кутубхона тизими асосида жорий қилинганлиги ахборот-ресурс марказини сифат кўрсаткичинини янги даражага олиб чиқади. Яратилган электрон кутубхона тизими бугунги кунда техника йўналишида эълон қилинаётган ресурсларни бир ахборот муҳитида тўплашга мўлжалланган бўлиб, келгусида миллий иқтибос келтириш индексини (индекс цитирования) ҳисоблаш алгоритминини интеграция қилиш йўли билан муаллифларнинг нашр қилиш активлигини ҳисоблашга мўлжалланган миллий дастур яратиш кўзда тутилган.



2-расм. Илмий тадқиқодчиларни Корпоратив тармоқ орқали ахборот ресурслари билан таъминлашнинг ахборот модели

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими ARMAT++ бешта автоматлаштирилган иш ўринларидан иборат бўлиб унинг ички тузилмаси ҳалқаро коммуникатив MARC 21 форматига асосланган. Бу ҳолат келгусида, яратилган электрон кутубхона базасини ихтиёрий электрон кутубхоналар ёки бошқа турдаги эксперт тизимларнинг маълумотлар базалари билан маълумот алмашиш имкониятини яратади. Рейтинг қайдномаларининг яна бир кўрсаткичи бу илмий тадқиқод фаолиятининг сифати ва

шаффофлигидир 2-жадвал. ARMAT++ тизими асосида яратилган БМИ ва магистрлик диссертациялари электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини шакллантириши келгусида ўхшаш матнларни аниқлашга мўлжалланган эксперт тизими билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш имконини ва интернет тармоғи орқали фойдаланувчиларга БМИ ва МДлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш йўли билан шаффофлик кўрсаткичини ошириш имконини беради.

2- жадвал

№	ОТМ рейтинг қайдномасининг номи	Илмий тадқиқод фаолиятининг сифати ва шаффофлигининг аҳамияти
1.	Quacquarelli Symonds	40%
2.	THE World University Rankings	34,5%
3.	Ranking web of universities	25%

БМИ ва магистрлик диссертацияларининг электрон кутубхонаси фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни беради:


- ◆ БМИ ва диссертацияларни сарлавҳаси, очқич (калит) сўзлари, муаллифлари ва бошқа библиографик тавсиф элементлари бўйича тезликда қидириб топиш;

- ◆ Бир маротаба ҳимоя қилинган мавзулар бўйича такрорий БМИ ва магистрлик диссертацияларини бажарилишига йўл қўймаслик;

- ◆ БМИ ва магистрлик диссертацияларини бажаришда аввал бажарилган мавзулар бўйича обзорлар тайёрлаш;

- ◆ БМИ ва магистрлик диссертация маълумотлари базаси “автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими” маълумотлар базасидаги ўхшаш матнларни излашга мўлжалланган “эксперт” тизими билан ҳамкорликда фойдаланилганда ўхшаш матнларни қидириб топиш;

Жаҳон миқёсида олиб бориладиган ОТМларнинг рейтинг қайдномаларида ОТМ рейтингини аниқлашда нашр этиш фаоллиги, илмий тадқиқод фаолиятининг сифати ва шаффофлиги кўрсаткичларига катта аҳамият берилишини инобатга оладиган бўлсақ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд Олий таълим муассасаларида юқори импакт факторли илмий журналларда нашр этиш фаоллиги кўрсаткичига жиддий аҳамият бериш зарурдир.



3-расм. Электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини шакллантириш ва ўхшаш матнларни аниқлашга мўлжалланган эксперт тизимининг ахборот модели

шаффофлигидир 2-жадвал. ARMAT++ тизими асосида яратилган БМИ ва магистрлик диссертациялари электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини шакллантириши келгусида ўхшаш матнларни аниқлашга мўлжалланган эксперт тизими билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш имконини ва интернет тармоғи орқали фойдаланувчиларга БМИ ва МДлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш йўли билан шаффофлик кўрсаткичини ошириш имконини беради.


2- жадвал

№	ОТМ рейтинг қайдномасининг номи	Илмий тадқиқод фаолиятининг сифати ва шаффофлигининг аҳамияти
1.	Quacquarelli Symonds	40%
2.	THE World University Rankings	34,5%
3.	Ranking web of universities	25%

БМИ ва магистрлик диссертацияларининг электрон кутубхонаси фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- ◆ БМИ ва диссертацияларни сарлавҳаси, очқич (калит) сўзлари, муаллифлари ва бошқа библиографик тавсиф элементлари бўйича тезликда қидириб топиш;
- ◆ Бир маротаба ҳимоя қилинган мавзулар бўйича такрорий БМИ ва магистрлик диссертацияларини бажарилишига йўл қўймаслик;
- ◆ БМИ ва магистрлик диссертацияларини бажаришда аввал бажарилган мавзулар бўйича обзорлар тайёрлаш;
- ◆ БМИ ва магистрлик диссертация маълумотлари базаси “автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими” маълумотлар базасидаги ўхшаш матнларни излашга мўлжалланган “эксперт” тизими билан ҳамкорликда фойдаланилганда ўхшаш матнларни қидириб топиш;

Жаҳон миқёсида олиб бориладиган ОТМларнинг рейтинг қайдномаларида ОТМ рейтингини аниқлашда нашр этиш фаоллиги, илмий тадқиқод фаолиятининг сифати ва шаффофлиги кўрсаткичларига катта аҳамият берилишини инобатга оладиган бўлсақ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд Олий таълим муассасаларида юқори импакт факторли илмий журналларда нашр этиш фаоллиги кўрсаткичига жиддий аҳамият бериш зарурдир.



3-расм. Электрон кутубхонасининг маълумотлар базасини шакллантириш ва ўхшаш матнларни аниқлашга мўлжалланган эксперт тизимининг ахборот модели



Бунинг учун, бугунги кундаги ахборот кутубхона муассасаси ходими жаҳон ахборот ресурсларини ўзида акс эттирган Web of Science, Elsevier, EBSCO каби электрон кутубхоналар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, ушбу ресурслар орасида навигаторликни амалга ошира олиши, замонавий талабларга мос келадиган ва барча стандарларни инобатга олган электрон кутубхона маълумотлар базасини шакллантира олиши шартдир. Шу билан бир қаторда ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналишида, Республикада мавжуд электрон кутубхоналар маълумотлар базаларида илмий таълимий ресурслар сони ва сифатини ошириш, юқори сифатли илмий мақолаларни жаҳон тилларига таржима қилишни йўлга қўйиш, имкон қадар кўпроқ жаҳон ахборот ресурсларига обуна бўлиш ва миллий иқтибос келтириш индексини (индекс цитирования) ҳисоблаш алгоритминини яратиш каби жиддий ислоҳотларни амалга ошириш зарурдир.

.....

Адабиётлар:



1. Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 10-модда)
2. <http://www.shanghairanking.com/index.html>
3. <http://www.topuniversities.com/qs-world-university-rankings>
4. <http://www.webometrics.info/en/Asia/Uzbekistan>
5. <http://www.timeshighereducation.co.uk/world-university-rankings/>